

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОННИНГ
ЭНГ ЯНГИ ТАРИХИ МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА
МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ-МЕТОДИК МАРКАЗИ, ТАРИХ
ИНСТИТУТИ, ҚОРАҚАЛПОҚ ИЖТИМОЙ ФАНЛАР ИЛМИЙ
ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017. Tar.01.04 РАҚАМЛИ ФАН ДОКТОРИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
УНИВЕРСИТЕТИ**

КАРИМОВА ДИЛАФРЎЗ ОБИДЖОНОВНА

**ШИМОЛИЙ БАҚТРИЯ АҲОЛИСИННИНГ ДАФН
МАРОСИМЛАРИ ВА ДИНИЙ ЭЪТИҚОДЛАРИ (БРОНЗА ДАВРИ
МОДДИЙ МАДАНИЯТ ЁДГОРЛИКЛАРИ МИСОЛИДА)**

07.00.01 – Ўзбекистон тарихи

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент–2017

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of abstract of the doctor of philosophy (PhD) dissertation

Каримова Дилафруз Обиджонова

Шимолий Бактрия аҳолисининг дафн маросимлари ва диний эътиқодлари
(бронза даври моддий маданият ёдгорликлари мисолида)3

Каримова Дилафруз Обиджонова

Погребальные обряды и верования населения Северной Бактрии (на примере
материальной культуры эпохи бронзы)22

Karimova Dilafruz Obidjonovna

Funeral rituals and worship of the peoples of North Bactria (on example of the
material culture of the bronze age)41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 44

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОННИНГ
ЭНГ ЯНГИ ТАРИХИ МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА
МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ-МЕТОДИК МАРКАЗИ, ТАРИХ
ИНСТИТУТИ, ҚОРАҚАЛПОҚ ИЖТИМОЙ ФАНЛАР ИЛМИЙ
ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017. Tar.01.04 РАҚАМЛИ ФАН ДОКТОРИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
УНИВЕРСИТЕТИ**

КАРИМОВА ДИЛАФРЎЗ ОБИДЖОНОВНА

**ШИМОЛИЙ БАҚТРИЯ АҲОЛИСИНИНГ ДАФН
МАРОСИМЛАРИ ВА ДИНИЙ ЭЪТИҚОДЛАРИ (БРОНЗА ДАВРИ
МОДДИЙ МАДАНИЯТ ЁДГОРЛИКЛАРИ МИСОЛИДА)**

07.00.01 – Ўзбекистон тарихи

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент–2017

Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/Tar17. рақами билан рўйхатга олинган

Диссертация Тошкент Давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (<http://ik-tarix.nuu.uz>) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали www.ziynet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Асқаров Аҳмадали Асқарович**
тарих фанлари доктори, академик

Расмий оппонентлар: **Мавланов Ўктам Махмасабирович**
Тарих фанлари доктори

Пидаев Шокир Расулович
Тарих фанлари номзоди

Етакчи ташкилот **Самарқанд давлат университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети, Ўзбекистоннинг энг янги тарихи масалалари бўйича Мувофиқлаштирувчи методик марказ, Тарих институти, Қорақалпоқ ижтимоий фанлар илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи 27.06.2017. Таг.01.04 рақамли Илмий кенгашнинг 2017 йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Мирзо Ғолиб кўчаси, Ўзбекистон Миллий университетининг тарих факультети, 1-қават, 110-аудитория.) Тел.: (99871) 227-12-24; факс: (99871) 246-53-21, (99871) 246-02-24; e-mail: наука@nuu.uz Ўзбекистон Миллий университети).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Бош бино). Тел.: (99871) 236-46-55; факс: (99871) 246-02-24.

Диссертация автореферати 2017 йил «__» _____ кун тарқатилди.
(2017 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси.)

А.А.Маврулов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Х.Э.Юнусова
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д.

С.Б.Шадманова
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, т.ф.д.

Кириш (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида бронза даврининг ўзига хос хусусиятларини ўрганишга йўналтирилган кўплаб тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Айнан шу даврга оид дафн маросимлари ва диний эътиқод юзасидан алоҳида тадқиқотлар олиб борилмоқда¹. “... биз ҳали юртимизни, унинг ўзига хос тарихи, маданияти,... бебаҳо маънавий меросимизни тўлиқ ўрганганимиз йўқ”². Бундай тадқиқотлар эса халқларнинг бир-бири билан диний қадрияти, урф-одати, муносабати ва алоқадорлигини ойдинлаштиришга хизмат қилади.

Мустақиллик тарихимизни, миллий қадриятларимизни ўрганиш орқали ўзлимизни англашга кенг имкониятлар яратди. Шу аснода дафн маросимларига алоҳида эътибор берилиб, Ўзбекистон Республикасининг “Дафн этиш ва дафн иши тўғрисида”ги қонуни³ қабул қилинганлигини алоҳида таъкидлашимиз мумкин. Бу эса миллий қадриятларимизни кадр топаётганлигидан яна бир нишондир. “Дарҳақиқат, ота-боболаримиздан қолган бой меросни ўрганиш, уларнинг урф-одатлари, анъаналарини тиклаш – бу тарихни тиклаш демакдир”⁴.

Жаҳон миқёсида олиб борилаётган тадқиқотларда бронза даври цивилизациялар тарихи, хўжалик ҳаёти, кундалик турмуш тарзи, меъморий уй-жой ва монументал иншоот қолдиқлари, дафн этиш усуллари, диний эътиқод объектларини тадқиқ қилиш вазифаси қўйилади. Айнан шу муаммо устида Шимолий Бақтрияда яшаган аҳолининг диний эътиқоди билан боғлиқ қадриятлари ва урф-одатлари, удумлари ва диний қарашларини чуқур илмий асосда ўрганиш ушбу мавзунинг долзарблигини белгилайди. Шимолий Бақтрия сўнгги бронза даврида учта йирик тарихий ва этномаданий бирликлар алоқа майдонига айланган. Унинг Ўзбекистон қисмида юксак даражада ривожланган ўтроқ деҳқончилик маданияти шаклланиб, бу маданият Сополлитепа, Жарқўтон, Кўзали, Мўлали, Бўстон каби ёдгорликлар мисолида ўрганилди. Бу ёдгорликларда минглаб ўтроқ деҳқончилик маданияти аҳолисининг қабрлари очилган. Шимолий Бақтриянинг шарқий худудларида кўпроқ чорвадор уруғ жамоаларининг ёдгорликлари ўрганилган бўлиб, улар Ҳисор воҳаси, Вахш дарёсининг ўрта оқими ва Таирсув дарёсининг юқори қисми ҳамда Пархар-Кулоб водийсида жойлашган. Бу худудларда 550 дан ортиқ қабрлар очилган. Уларда турли диний эътиқод ва урф-одатлар асосидаги дафн маросимлари кузатилган. Мил. авв. II минг йилликнинг ўрталаридан Шимолий Бақтрияга Евроосиё даштларидан чорвадор Андроново маданияти қабилалари кириб келадилар. Натижада, бу худуд турли этник гуруҳларнинг иқтисодий ва этномаданий алоқалар

¹ Journal of Korean archaeology. National Research Institute of Cultural Heritage. – 2012. – P. 213 .

² *Мирзиёев Ш.М.* “Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш-давр талаби” мавзусидаги анжуманда сўзлаган нутқи // Халқ сўзи. 2017. 16 июнь.

³ «Дафн этиш ва дафн иши тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2010. – № 52. – 508-модда.

⁴ *Каримов И.А.* Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Том.7. – Т.: Ўзбекистон, 1999. – Б. 132-154.

майдонига айланади. Бу хилма-хил этномаданий ва этносиёсий манзара Шимолий Бактрия бронза даври қабилаларининг дафн маросимлари ва шаклланиб бораётган диний эътиқолида яққол кўзга ташланади. Аммо, Шимолий Бактриянинг бу уч этник компонентлардан ташкил топган аҳолининг диний эътиқоли ва ранг-баранг урф-одатлари ҳақида илмий адабиётларда жуда қисқа маълумотлар келтирилган, улар махсус тадқиқот объекти сифатида яхлит бир илмий тизимга солиниб таҳлил этилмаган ва умумлаштирилмаган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 1 мартдаги “Ўзбекистон тарихи музейи ашёлари ҳақида”ги 115-сонли қарори, 1998 йил 27 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармонида белгиланган вазифаларни амалга оширишда ва ўзбек халқининг қадимий урф-одатлари, анъаналари ҳамда эътиқод тарихини ёритишда мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мавзуни ёритишда адабиётлар икки гуруҳга бўлинди. 1-гуруҳ адабиётларига Жанубий Ўзбекистон бронза даври тарихига оид адабиётлар; 2-гуруҳга Жанубий-ғарбий Тожикистон бронза даври ёдгорликлари ёритилган адабиётлар киритилди.

Биринчи гуруҳ ёдгорликларини ўрганиш 1968 йилда Жанубий Ўзбекистонда Шеробод чўлини ўзлаштирилиши муносабати билан бошланди. Масалан, А.Асқаров Сополлитепа ва Жарқўтон ёдгорликлари топилмалари мисолида Жанубий Ўзбекистонда Қадимги Шарқ цивилизациясининг янги маҳаллий ўчоғи шаклланганлигини асослайди ва уни Сополли маданияти номи остида фанга киритади. Уларни ўрганишда академик А.Асқаров ва унинг шогирдлари Б.Абдуллаев, У.Раҳманов, Т.Ширинов, В.Ионесов, Ш.Шайдуллаев, М.Эсанов ҳамда сафдошлари Н.Аванесова, Х.Дуке, Т.Ходжайов, Х.Халиловлар изланиш олиб борганлар⁵.

⁵ *Асқаров А.* К вопросу о выделении культуры Сапалли // Древняя Бактрия. – Л., 1974. – С. 26-32; *Ўша муаллиф.* Расписная керамика Джаркутана // Бактрийские древности. – 1976. – С. 17-19; *Ўша муаллиф.* Бронзовый век южного Узбекистана (К проблеме развития локальных очагов древневосточной цивилизации). Автореф. дис. ... д-ра ист. наук. – М., 1976. – С. 44; *Ўша муаллиф.* Древнеземледельческая культура эпохи бронзы юга Узбекистана. –Т.: Фан, 1977. – С. 23; *Асқаров А., Абуллаев Б.* Джаркутан. –Т., 1983; *Раҳманов У.* Керамическое производство эпохи бронзы Южного Узбекистана. – Самарканд., 1987; *Асқаров А.* Степной компонент в оседлых комплексах Бактрии и вопросы его интерпретации // Взаимодействие кочевых культур и древних цивилизаций. – Алма-ата, 1989. – С. 57-58; *Асқаров А.,*

Ҳар бир тадқиқотчи уларни ўз олдига қўйган мақсад доирасида тадқиқ этадилар. Уларнинг жанубий Ўзбекистон ҳудудларида илк деҳқончилик марказларининг шаклланиши, кулолчилик маҳсулотлари таҳлили, илк шаҳарсозлик, илк давлатчилик масалалари ва чорвадор Андроново кабилаларининг Сополли маданиятига таъсири диққат марказида бўлган.

Жарқўтон ёдгорлигида хорижий тадқиқотчилар К.Каниут⁶, Д.Хуфф, М.Тоуфер⁷ (Германия), француз археологлари Э.Лунеау, Х.Бендезу-Сарменто⁸лар ўзбек археологлари билан бирга изланиш олиб бориб, мазкур маданиятни ўрганишга ўз ҳиссаларини қўшган.

Иккинчи гуруҳга кирувчи тадқиқотлар Тожикистон ҳудудида олиб борилган илмий изланишларга бағишланган. Жумладан, 1955-59 йилларда А.М.Мандельштам томонидан бронза даври ёдгорликларини ўрганиш бўйича изланиш бошланади. У Бишкент водийсидаги Илк Тулхор ва Илк Аруктау қабристонларида кенг кўламли қазилмалар олиб бориб, уларни Бишкент маданияти сифатида фанга киритган⁹.

1960 йиллар бошида Б.Литвинский Вахш ва Қизилсув дарёлари ҳавзаларидан Вахш I, Тигровая Балка, Ойкўл, Жарқўл ва Макони-мор каби бронза даври қабристонларини топади ва улар майдонидан 260 дан ортиқ қабрлар очиб ўрганилди. Уларни Б.Литвинский чорвадор жамоаларнинг Вахш маданияти деб атаиди¹⁰. Бу ҳудуд ёдгорликларини ўрганишда Л.Пьянкова ҳамда Н.Виноградоваларнинг ҳам ҳиссаси катта.

1974 йилда Л.Т.Пьянкова Тандирийўл ва Сополли маданиятининг сўнгги босқичлари билан тенгдош Нурек қабристонидан 30 дан ортиқ қабрларни

Ширинов Т. Ранняя городская культура эпохи бронзы юга Средней Азии. – Самарканд, 1993. – С. 161; *Аскарлов А., Шайдуллаев Ш.* Бактриянинг бронза ва илк темир даври маданиятлари хронологияси // Ўзбекистон тарихи моддий маданият ва ёзма манбаларда. – Т., 2005. – Б. 36-48; *Ширинов Т.* Алтари огня из храма Джаркутан – памятника эпохи развитой бронзы // ИМКУ. – Т., 1990. – № 23. – С. 70-78; *Ионесов В.* Новые исследования могильника эпохи бронзы Джаркутан IVa // ИМКУ. – Т., 1988. – № 22; *Аванесова Н.А.* Новое в погребальном обряде сапаллинской культуры // Археологические вести. – СПб., 1995. – № 4; *Аванесова Н., Ташпулатова Н.* Символика огня в погребальной практике сапаллинской культуры (по материалам исследования могильника Бустан VI) // ИМКУ. – Самарканд, 1999. – № 30. – С. 27-36; *Аванесова Н.* Проблема относительной хронологии и периодизации Сапаллинской культуры // Археология Узбекистана. – Т., 2010. – № 1; *Ўша муаллиф.* Проявление степных традиций в Сапаллинской культуре // Цивилизации и культуры Центральной Азии в единстве и многообразии. – Т., 2010; *Ўша муаллиф.* Бустан VI-некрополь огнепоклонников доурбанистической Бактрии. – Самарканд, 2013.

⁶ *Kaniuth K.* Metallobjekte der Bronzezeit aus Nordbaktrien // *Archaeologie in Iran und Turan. Deutsches Archaeologisches Institut Eurasien-Abteilung.* – Band 6. – Berlin, 2006.

⁷ *Huff D., Shaidullaev Sh., Kaniuth K., Teufer M., Henzchel M., Rahimov K.A., Ackarov A.A., Shirinov T.Sh.* Dzarkutan (Uzbekistan) // *Arhaeologischer anzeiger jahrebericht 1996* Walter de Gruyter. – Berlin, – New York, 1998. – P. 591-594; *Huff D., Shaidullaev Sh., Blank A., Mack J., Paremba T., Rahimov K.A.* Dzarkutan (Uzbekistan) // *Arhaeologischer anzeiger jahrebericht 2002 des Deutschen Archaologischen Instituts 2*, – Halbband, 2003. – P. 292-293; *Huff D., Shaidullaev Sh., Kaniuth K., Teufer M., Fellechner T., Hovels B., Rahimov K.A., Shadiev Z.* Dzarkutan (Uzbekistan) // *Arhaeologischer anzeiger jahrebericht 2003 des Deutschen Archaologischen Instituts 2*, – Halbband, 2004. – P. 395-397.

⁸ *Luneau E., Bendezu-Sarmento J.* Etude des ceramiques de l'age du bronze de la necropole 3 de Dzarkutan (Ouzbekistan): nouvelle approche typo-chronologique – P.283-317 // *L'ARCHEOLOGIE FRANCAISE EN ASIE CENTRALE Nouvelles recherches et enjeux socioculturels №21/22* Paris, Edition-diffusion DE BOCCARD-IFEAC/DAFA. – Paris, – Bichkek, – Kaboul, 2013.

⁹ *Мандельштам А.М.* Памятники эпохи бронзы в южном Таджикистане. МИА. – Л., 1968. – № 145. – С. 14.

¹⁰ *Литвинский Б.А.* Археологические открытия в Таджикистане за годы советской власти и некоторые проблемы древней истории Средней Азии // ВДИ. – 1967. – № 4.

қазишга муваффақ бўлади¹¹. Археолог Н.М.Виноградова Қора-Пичоқ, Тандирйўл ва Заркамар қабристонларида қазишмалар ўтказиб, 40 га яқин мазорларни ўрганади¹².

Кейинги йилларда бу ҳудудда В.А. Ранов, Т.Г.Филимонова, Ю.Г. Кутимов¹³лар ҳам изланишлар олиб бормоқда.

Умуман, таҳлиллар шуни кўрсатадики, бизгача чоп этилган илмий адабиётларда улар алоҳида объектлар сифатида археологик жиҳатдан ўрганиб келинса-да, Шимолий Бактриянинг бронза даври моддий маданиятида ўз аксини топган дафн маросимлари ва диний эътиқоди бир бутун илмий тизимга солиниб, умумлаштирилган тадқиқотнинг амалга оширилиши долзарб ва илмий аҳамиятга эга ҳисобланади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат педагогика университети илмий-тадқиқот ишлари режаси ҳамда Тошкент давлат шарқшунослик институти ҳузуридаги Шарқ қўлёзмалари марказининг УИ-ФА-0-83416-сонли «Ўзбек халқининг келиб чиқиши тарихи» (2013-2014 йй.), ЎЗР ФА Археология институтининг Ф1-ФА-0-19793-сонли «Ўзбекистоннинг қадимги деҳқончилик маданиятлари ва кўчманчи чорвадорлар дунёси: мил.авв. III минг йиллик ва миллоднинг минг йилликлар бошларида ўзаро алоқалар ва таъсирлар муаммоси» (2012-2016 йй.) мавзусидаги лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Шимолий Бактрия бронза даври аҳолисининг дафн маросимлари ва диний эътиқоди билан боғлиқ тарихий жараёнларни тизимли равишда очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Шимолий Бактрия ҳудудларида бронза даврида яшаган дашт аҳолиси ва қадимги деҳқончилик маданияти ёдгорликларининг тарқалиш географиясини ўрганиш;

ҳар икки хўжалик йўналишига оид очилган икки мингдан ортиқ қабрларни илмий тизимга солиш ва уларнинг хусусиятларини аниқлаш;

деҳқон ва чорвадор жамоалар дафн маросимларидаги анъана ва янгиликларни очиб бериш;

майитни кремация қилиш удумининг ўтроқ деҳқончилик маданияти жамоаларида учраш сабабларини ўрганиш;

Бўстон VI қабристони дафн маросимларидаги янгиликларни аниқлаш;

¹¹ Пьянкова Л.Т. Нурекский могильник эпохи бронзы // АО. – М., 1975. – С. 542-543; Ўша муаллиф. Отчет о работе Нурекского археологического отряда // АРТ. – Душанбе, 1979. – № 14. – С. 78-92.

¹² Виноградова Н.М. Могильник Тандыр-йул в Южном Таджикистане // МАИКЦА. – М., 1991. – № 18. – С. 68-88.

¹³ Ранов В.А., Филимонова Т.Г. Изучение Гиссарской культуры и неолитические слои поселения Кангурттут // В кн. Виноградова Н.М. Памятники Кангурттута в юго-западном Таджикистане (эпоха неолита и бронзового века). – М., 2008. – С. 25-29; Кутимов Ю.Г. Происхождение и пути распространения катакомбного обряда погребения в Средней Азии (по материалам могильников бронзового века). Автореф. дис. ... канд. ист. наук. – Санкт-Петербург, 2009.

майитни этидан тозалаб кўмиш*¹⁴ одатининг археологик маданиятларда акс этишини ёритиш;

Жарқўтон ибодатхонасининг илк зардуштийлик диний эътиқоди билан боғлиқ жиҳатларини аниқлаш ва унинг дафн маросимлари билан боғлиқ жиҳатларини ўрганиш ҳамда давлатчилигимизнинг илк босқичларида тутган ўрнини аниқлаш;

бронза давридаги аҳолининг дафн маросимлари, диний эътиқод ва этномаданий ҳаёти билан боғлиқ кўплаб материалларни яхлит бир илмий тизимга солиб, тегишли илмий хулосалар асосида умумлаштиришдан иборат.

Тадқиқот объекти сифатида, Шимолий Бақтрия худудидаги бронза даврига оид Сополли, Бишкент-Вахш ҳамда Андроново маданияти жамоаларидан қолган ёдгорликлар белгиланди.

Тадқиқотнинг предметини ушбу ёдгорликларнинг таркибий қисми бўлган қабристонлар, улардан топилган моддий маданият ашёлари, шунингдек, диний эътиқод объектлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда тарихийлик тамойили, қиёсий таҳлил, хронологик тизимли таҳлил каби илмий тадқиқот усулларидадан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

Шимолий Бақтрия бронза даври аҳолисининг барча маданиятларига (Сополли, Бишкент, Вахш, Андроново) тегишли диний эътиқод объектлари ва дафн маросимлари билан боғлиқ урф-одатлари очиб берилган;

Шимолий Бақтрия бронза даври деҳқон жамоалари дафн маросимларидаги анъанавий удумлар ва уларнинг заминида рўй берган ўзгаришлар ўзбек халқига хослиги аниқланган;

ўзбек халқининг дафн этиш билан боғлиқ урф-одатларининг тарихий илдизлари (қабр қурилмаси) бронза даврига бориб тақалиши аниқланган;

илк зардуштийлик динининг шакллана бориш жараёни ва унга хос табиатнинг тўрт унсурини илоҳийлаштириш сўнгги бронза даврида ўтроқ деҳқончилик маданияти жамоаларида юз берганлиги аниқланган;

Жарқўтон ибодатхонаси мисолида илк зардуштийлик дини ва ўзбек давлатчилигининг тарихий илдизлари бронза даврига бориб тақалиши очиб берилган.

Шимолий Бақтрия бронза даври ўтроқ ва чорвадор жамоаларининг дафн маросимлари ва диний эътиқоди билан боғлиқ материаллар яхлит бир илмий тизимга солиниб умумлаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари:

Ўрганилаётган давр маданиятлари асосида деҳқон ва чорвадор жамоалар ўртасида ўзаро ижтимоий, иқтисодий ва маданий алоқалар бўлганлиги кўрсатиб берилган;

*Дастлаб марҳум танаси махсус жой(тепа)ларга қўйилган. Кушлар ва бошқа жониворлар тана гўштини еб тугатгач, ёмғирларда ювилган ва офтоб қоқлаган майитнинг қолган суякларини кўмиш.

Ўзбекистоннинг ўрганилаётган давр маданиятига бағишланган барча илмий адабиётлар ва бирламчи манбаларнинг ўзига хос умумий ҳамда хусусий жиҳатлари, миқдор ва сифат даражаси аниқланган.

Натижада, зардуштийлик динининг тарихий илдизлари, унинг шаклланиш жараёнлари илк бор қадимги Окс-Амударёнинг юқори ва ўрта ҳавзалари вилоятларида шаклланиб сўнг Ўрта Осиёнинг бошқа вилоятларига тарқалганлиги аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотда тарих фанида тан олинган ёндашув ва илмий усуллар асосида бирламчи моддий маданият манбаларига бағишланган адабиётлардан фойдаланилганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий натижаларидан кўп жилдли «Ўзбекистон тарихи»нинг бронза даври тарихини ёзишда, айнан ўзбек халқи этногенези ва этник тарихини, аждодларимизнинг дафн маросимлари билан боғлиқ урф-одатлари ва диний эътиқодини ёритишда, ўзбек халқи тарихи, археологияси ва этнографиясига оид ўқув қўлланмалар, дарсликлар яратишда, барча олий ўқув юртлари ва малака ошириш курсларида семинарлар ташкил этишда фойдаланиш мумкин.

Диссертациянинг амалий аҳамияти эса, жамиятнинг маънавий-ахлоқий, маданий ривожланиши, диний ва дунёвий кадриятлар, этномаданий мерос ва ўзбек халқига хос миллий хусусиятларни тадқиқ этишга бағишланган мақсадли давлат дастурларини бажарилишига, шунингдек, объектив тарихий билимларни такомиллаштиришга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Шимолий Бақтрияда бронза даври аҳолисининг дафн маросимлари ва диний эътиқодларига оид ишлаб чиқилган илмий хулосалар ва таклифлар асосида:

Сополли маданиятининг ҳар бир босқичларига оид сопол буюмлар ва уларнинг вазифалари, дафн маросимлари, диний эътиқодлари билан боғлиқ ашёвий далиллар ҳақидаги хулосалар Ўзбекистон тарихи давлат музейининг «Ўзбекистон бронза даврида» номли экспозициялар бўлимини қайта шакллантиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Фанлар академиясининг 2016 йил 25 октябрдаги 311255-1302-сон маълумотномаси). Бунда бронза даври аҳолисининг урф-одатлари, дафн маросимлари ва диний эътиқодлари қай даражада ва қандай удумлар асосида бўлганлигини ҳамда ўша давр хўжалигининг ривожланиш босқичлари ёритилган;

бронза даври аҳолисининг дафн маросимлари ҳамда илк зардуштийлик диний эътиқоди ҳақида гувоҳлик берувчи ноёб топилмаларнинг таҳлилий илмий хулосалари Термиз давлат археология музейининг «Тош ва бронза даври» номли экспозициялар бўлимини бойитишда фойдаланилган (Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг 2017 йил 26 январдаги 01-1108-631-сон маълумотномаси). Бунда бронза даври аҳолисининг дафн этиш усуллари, диний маросимлари, уларнинг яшаш шароитлари қандай

бўлганлиги ҳамда ушбу жараёнларнинг ривожланиш босқичлари асосли маълумотлар билан ёритилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 8 та илмий анжуман ва семинарларда, шу жумладан 3 та халқаро ва 5 та илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 23 та илмий иш чоп этилган. Шулардан 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 12 та мақола, жумладан 10 та республика ва 2 таси хорижий нашрларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Тадқиқот кириш, 3 та боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда шартли қисқартмалар рўйхатидан иборат. Ишнинг умумий ҳажми 148 бет, унга 67 та иллюстратив материаллардан иборат альбом илова қилинган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида танланган мавзунинг долзарблиги асосланиб, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети белгилаб олинган. Тадқиқотнинг фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилиб, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган. Олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган ҳолда назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, апробацияси бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **Шимолий Бактриядаги бронза даври ёдгорликларининг ўзига хос хусусиятларига бағишланган.** Унинг “Ўзбекистон жанубидаги бронза даври ёдгорликлари ва уларни даврлаштириш масалалари” деб номланган биринчи бандида қадимги деҳқончилик маданияти ёдгорликларининг жойлашиши ва уларнинг даврий саналарига оид баъзи муаммоли масалалар таҳлил этилди.

Шимолий Бактриянинг Жанубий Ўзбекистон ҳудуди доирасида, унинг табиий-географик шароитига кўра, мил.авв. II минг йилликда қатор деҳқончилик воҳалари шаклланган. Уларни А.Аскар¹⁵, Э.В.Ртвеладзе¹⁶, А.Сагдуллаев¹⁷, Ш.Шайдуллаев¹⁸лар деҳқончилик воҳаларига бўлиб, ўзларининг қарашларини баён этганлар. Ушбу тадқиқотчиларнинг районлаштириш тизими илк темир даври ёдгорликларини ҳам қамраб олган. Бизнингча, Жанубий Ўзбекистон бронза даври ёдгорликлари асосида уни учта тоғ олди деҳқончилик воҳаларига ва битта тоғ водийси деҳқончилик

¹⁵ Аскар¹⁵ А. Древнеземледельческая культура эпохи бронзы юга Узбекистана. – Т., 1977. – С. 7-12.

¹⁶ Ртвеладзе Э.В. К характеристике памятников Сурхандарьинской области ахеменидского времени // СА. – М., 1975. – № 2. – С. 263-266.

¹⁷ Сагдуллаев А.С. Древнеземледельческие поселения предгорий Байсунтау // История и археология Средней Азии. – Т., 1978. – С. 14.

¹⁸ Шайдуллаев Ш. Северная Бактрия в эпоху раннего железного века. Цивилизация Турана – Мавераннахра. – Т., 2000. – С. 9-15.

воҳасига ажратиш мумкин. Булар: Уланбулоқсой, Шеробод, Хўжаипаксой қадимги деҳқончилик воҳалари ва Пашқурт тоғ воҳаси деҳқончилик масканлари бўлса, дарё ва уларнинг ҳавза тармоқлари асосида бир нечтадан кичик микровоҳалар таркиб топган. Булар: Ургулсой, Бандихон, Миршоди, Сангардак-Тўпаланг кичик воҳалар туркумидаги ёдгорликлардир. Бироқ, бу учта йирик қадимги деҳқончилик воҳалари бир вақтда шаклланмаган. Масалан, бронза даврининг Сополли маданияти босқичлари давомида туб маънодаги қадимги деҳқончилик воҳаси фақат Уланбулоқсой, Шеробод ва Пашқурт водийларида шаклланган. Хўжаипаксой ҳудудларига эса, Сополли маданиятининг фақат Мўлали босқичи даврида деҳқон жамоаларининг айрим гуруҳларини кириб келиши кузатилади. Бу ҳудудни қадимги деҳқончилик воҳаси сифатида шаклланиши сўнгги бронза ҳамда илк темир асрига ўтиш даврида, яъни Кучук I даврида юз беради.

Диссертациянинг “Жанубий-ғарбий Тожикистондаги бронза даври ёдгорликлари ва уларни даврлаштириш масалалари” деб номланган иккинчи бандида жанубий-ғарбий Тожикистоннинг бронза даври ёдгорликлари келиб чиқиш тарихий илдизларига кўра, учта этник гуруҳлардан иборат. Улар: а) қадимги деҳқончилик маданияти этник гуруҳлари; б) чорвадор Бишкент ва Вахш маданияти этник гуруҳлари; в) Евроосиё даштларидан келган Андроново маданияти этник гуруҳларидир.

Жанубий-ғарбий Тожикистон қадимги деҳқончилик маданияти этник гуруҳларининг ёдгорликлари 3 та кичик воҳаларга жойлашган. 1) Ҳисор қадимги деҳқончилик воҳаси; 2) Тегузак қадимги деҳқончилик воҳаси; 3) Пархар-Кулоб қадимги деҳқончилик воҳаси¹⁹. Бу учала кичик воҳаларда кейинги 35-40 йил давомида Сополли маданиятининг сўнгги босқичларига тегишли қишлоқ-маконлар ва қабристонлар топиб ўрганилдики, улар орасида Кангурттут, Дахана, Тегузак қишлоқ-маконлари ва Тандирйўл, Заркамар²⁰, Кангурттут, Нурек қабристонлари алоҳида аҳамият касб этади. Бу ёдгорликлар орқали Жанубий Тожикистонда қадимги деҳқончилик маданиятининг тарихий илдизларини сўнгги бронза даври билан белгилаш мумкин. Ушбу ёдгорликларнинг деярли барчаси Сополли маданиятининг Мўлали-Бўстон босқичлари билан характерланади²¹.

Шаартуз туманида деҳқон жамоаларининг Мўлали ва Бўстон босқичларига тегишли 2 та қабри топилган. Бу Жанубий Тожикистоннинг тўртинчи Шаартуз кичик деҳқончилик воҳаси шакллана бошланганлигидан гувоҳлик беради.

Кофирнигон дарёсининг қуйи ҳавзаси даштларидан топилган Аруктау, Илк Тулхор, Бишкент ёдгорликларининг даврий санасини А.М.Мандельштам мил. авв. XIII-IX асрлар билан белгилайди²² ва у Бишкент маданияти

¹⁹ *Виноградова Н.М.* Юго-Западный Таджикистан в эпоху поздней бронзы. – М., 2004. – С. 13.

²⁰ *Виноградова Н.М.* Могильник Тандыр-йул в Южном Таджикистане. МАИКЦА. – М., 1991. – №18. – С. 68.
Ўша муаллиф. Юго-Западный Таджикистан в эпоху поздней бронзы. – М., 2004. – С. 13-22.

²¹ *Ўша асар.* – С. 23-24.

²² *Мандельштам А.М.* Памятники эпохи бронзы в южном Таджикистане. МИА. – Л., 1968. – № 145. – С. 78-92.

жамоаларини Зарафшон водийсининг Замонбобо маданияти ва жанубий Сибир даштларининг Андроново маданияти қабилаларининг қадимги Бактрия ҳудудларига бронза даврида кириб келиши билан боғлайди. Бироқ, бу ёдгорлик очилган даврда Сополли маданиятининг Мўлали ва Бўстон босқичлари хали ўрганилмаган, уларнинг археологик мажмуалари тўғрисида илмий адабиётларда тегишли маълумотлар мавжуд эмас эди. Айнан шу типдаги Вахш водийси ёдгорликларини ўрганган Б.А.Литвинский эса, уларни Вахш маданияти номи билан атаб, уларни Шимолий Афғонистоннинг Дашли маданияти жамоаларининг Вахш водийсига кириб келиши билан боғлайди²³.

Кейинги йилларда Л.Т.Пьянкова ва Н.М.Виноградовалар Бишкент ва Вахш маданиятларининг келиб чиқиш тарихий илдизлари ва уларнинг янги шароитдаги ривожланиш йўналишларини таҳлил этиб, жанубий-ғарбий Тожикистоннинг қадимги чорвадор қабилалари маданиятини Бишкент-Вахш маданияти²⁴ номи билан аташни таклиф қиладилар. Лекин, Б.А.Литвинский, А.М.Мандельштам ва уларнинг издошлари Бишкент ва Вахш маданиятининг шаклланишида маҳаллий Ҳисор маданияти жамоаларининг иштироки ҳақида фикр билдирмайдилар.

Бу ҳудудларга бир томондан Андроново қабилалари, иккинчи томондан эса Сополли ва Дашли жамоалари кириб келгунига қадар инсон оёғи етмаган макон сифатида қараш ҳам хатодир. Чунки, 100 дан ортиқ ёдгорликларни қолдириб кетган Ҳисор маданияти жамоалари изсиз йўқолиб кетган бўлиши мумкин эмас.

Андроново маданияти этник гуруҳлари Евроосиё даштларидан мил.авв. II минг йилликнинг иккинчи ярмида Шимолий Бактрия ҳудудларига кириб келадилар. Уларнинг излари нафақат Жарқўтон ва Бўстон ёдгорликларида, балки Жанубий Тожикистон ҳудудларидаги Кангурттут ва Тегузак қадимги манзилгоҳларида ҳам яхши кузатилади²⁵. Кангурттут қишлоқ маконидан бронза буюмлар, меҳнат (пичоқ-ўроқ) ва ҳарбий қуроқлар (ханжар) учратилган²⁶. Тегузак маконида сопол идишларнинг 4,2 % ни Андроново сополлари ташкил этади. Бу ҳудудларда қадимги деҳқончилик маданияти районларига туташган нуқталарда, масалан Ҳисор водийсида уларнинг Қумсой қабристони ва Қўрғонтепа туманининг собиқ Киров номли совхоз ҳудудидан Андроново манзилгоҳи топиб ўрганилди. Улардан топилган сопол буюмлар геометрик шаклдаги учбурчак, синиқ чизиқли (зигзак) нақшлар билан безатилган. Андроново сопол парчалари Нурек қабристонидан ҳам топилган²⁷.

²³ Литвинский Б.А. Археологические открытия в Таджикистане за годы советской власти и некоторые проблемы древней истории Средней Азии // ВДИ. – 1967. – №4. – С. 126-127.

²⁴ Пьянкова Л.Т. Древние скотоводы Бактрии (о вахшской и бишкентской культурах) // Культура первобытной эпохи Таджикистана (от мезолита до бронзы). Тез.док. – Душанбе, 1982. – С. 41-65.

²⁵ Пьянкова Л.Т. Раскопки на поселении бронзового века Тегузак в 1979 г. // АРТ. – Душанбе, 1986.– № 14. – С. 92-93.

²⁶ Виноградова Н.М. Общая характеристика поселения и могильника Кангурттут на фоне других земледельческих памятников Северной Бактрии. «Памятники Кангурттута в Юго-Западном Таджикистане (Эпоха неолита и бронзового века)». – М., 2008. Рис. 41, 4,5, 7, 11, 13, 14,15.

²⁷ Пьянкова Л.Т. Нурекский могильник эпохи бронзы // АО. – М., 1975. – № 4. – С. 542-543.

Ҳисор водийсидаги Танديرйўл ва Заркамар²⁸ қабристониди, Дахана²⁹ ва Тегузак³⁰ маконларида, Таирсув дарёси ҳавзасидаги Бараки-Куруг макони³¹, Хўжа Ғойиб³² ёдгорлиги (Кулоб водийси)да ва Туён қабристониди ҳам уларнинг излари учратилган.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, Шимолий Бақтриянинг жанубий-ғарбий Тожикистон қисмида истиқомат қилган бронза даври аҳолисининг деҳқончилик анъаналари Жанубий Ўзбекистон деҳқончилик маданияти ёдгорликларидан ўзига хос жиҳатлар билан тубдан фарқ қилади. Бу фарқлар, аввало уй-жой қурилишида яққол кўзга ташланади. Бу минтақада қадимги деҳқон жамоалари ўз уй-жойларини текис майдонларда эмас, балки тоғ сойлари бўйида, тош фундамент устига пахса босиб уй-жой қуриш услубига амал қилганлар. Тоғли воҳа деҳқон жамоалари уй-жой қурилишида Сополлитепа, Жарқўтон ёдгорликларидегидек монументал меъморчилик қолдиқлари учрамайди.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Бронза даври жамоаларининг дафн маросимлари**»га бағишланган. Унинг «Қадимги деҳқончилик маданияти жамоаларининг дафн маросимлари» деб номланган биринчи бандида Шимолий Бақтрия Сополли маданияти деҳқон жамоаларининг дафн маросимлари хронологик кетма кетликда таҳлил қилинган. Сополли маданиятининг илк бор ўрганилган ноёб объекти Сополлитепада 138 та қабр³³ очилган бўлиб, уларнинг тузилиши асосан айвонли лаҳад шаклида, айвонлар чуқурлиги 60 см дан то 1 метргача бўлган. Қабр айвонининг ғарбий девори остидан лаҳадга кириш тешиги очилган. Шу тешик орқали овал шаклида лаҳад қазилган. Лаҳаднинг чуқурлиги айвонга нисбатан 40-60 см гача чуқурроқ қазилган. Лаҳад тешиги хом ғиштлар билан беркитилган бўлиб, ғиштларнинг ораларига сопол парчалари териб чиқилган, сўнг устидан тупроқ тортилган³⁴. Лаҳаднинг шимолий-ғарбий бурчаги тўрисиға марҳум жинсига қараб ўнг ёки чап ёнбоши билан, боши шимолга қаратиб ўлик ётқизилган. Қабрнинг қолган қисмиға қабиладошлари томонидан марҳумға тортиқ қилинган буюмлар жойлаштириб чиқилган.

²⁸ *Виноградова Н.М.* Могильник Тандырйул в Южном Таджикистане // МАИКЦА. – М., 1991. – №18. – С. 68-88.

²⁹ *Пьянкова Л.Т.* Работа Байпазинского отряда на поселении бронзового века Дахана (1985) // АРТ. – Душанбе, 1994. – № 25. – С. 157- 165.

³⁰ *Пьянкова Л.Т.* О раскопках на поселении бронзового века Тегузак в 1980 году // АРТ. – Душанбе, 1987. – № 20 (1980). – С.117-125.

³¹ *Виноградова Н.М.* Новые памятники эпохи бронзы на территории Южного Таджикистана // Центральная Азия. Новые памятники письменности и искусства. – М., 1987. – С. 76-91; *Ўша муаллиф.* The Farming Settlement of Kangurtut: in the Late Bronze Age // AMI. – Berlin, 1994. – В. 27. – Р. 29-47; *Ўша муаллиф.* Kangurtut: The Ancient Agricultural Burial Ground in Southern Tadjikistan // Inform. Bulletin IASCCA. – Moskov, 1996. – № 20. – Р. 171-194.

³² *Виноградова Н.М., Гётцельт, Пьянкова Л.Т.* Археологическая разведка в бассейне реки Кызылсу (ЮжныйТаджикистан) // РА. – М., 2003. – С. 103.

³³ *Аскарлов А.* Древнеземледельческая культура эпохи бронзы юга Узбекистана. –Т.: Фан, 1977. – С. 38.

³⁴ *Ўша муаллиф.* Бронзовый век южного Узбекистана (К проблеме развития локальных очагов древневосточной цивилизации). Автореф. дис. ... д-ра ист. наук. – М., 1976. – С.10; *Абдуллаев Б.* Культура древнеземледельческих племен эпохи поздней бронзы Северной Бактрии. Автореф.дис. ... канд. ист. наук. – Новосибирск, 1980. – С. 11.

Сополлитепа қабрларининг 8 тасида (14, 15, 22, 32, 10, 36, 37, 45) мархум хум ва кўзаларга солиб дафн этилган. Эҳтимол, бу қабрлар оташпараст руҳонийлар ва уларнинг фарзандларига тегишли³⁵ бўлиши мумкин. Чунки, зардуштийликка хос мурда суякларини этидан тозалаб, сопол яшик-остадонга солиб кўмиш урф-одати кашф этилмаган кезларда, оташпараст руҳонийлар хум ва кўзаларга солиб дафн этилган бўлиши мумкин.

Жарқўтон босқичининг илк даврида ҳам анъанавий дафн маросим одатлари давом этади. Бироқ, Жарқўтонда ибодатхонанинг пайдо бўлиши муносабати билан диний дунёқарашларида туб ўзгаришлар юз беради. Энди, қабрлар уй-жой масканлари доирасида эмас, балки улардан узоқроқда, алоҳида қабристонга дафн этилади. Қабристоннинг яшаш манзилидан четроқда бўлиши, яшаш масканларида тоза ҳавони сақлашга қаратилган эътибордир.

Кўзали босқичи даврида дафн маросимларининг мураккаблашиб борганлигини кузатамиз. Бу давр диний урф-одатларида ибодатхонанинг таъсири яққол сезилади. Ҳозиргача бу босқичга тегишли 200 дан ортиқ қабрлар ўрганилиб, мархумнинг боши тўлиқ ғарбга қаратила бошлайди³⁶. Аммо, қабрларда энди дафн анжомларининг асл нусхалари эмас, балки уларнинг рамзий нусхалари учрайди.

Кўзали босқичида кенотаф қабрлар Сополли ва Жарқўтон босқичига нисбатан анча кўпайиб, умумий қабрларнинг 30% ни ташкил этади. Бунга сабаб, минтақага ўзга этник гуруҳларнинг кириб келиши билан боғлиқдир. Буни 112 – қабрдан топилган тилла сирға, 240 – қабрдан топилган тозабоғёб типидagi бронзадан ишланган браслетда ҳам кўриш мумкин³⁷.

Сополли маданиятининг Мўлали босқичига тегишли 300 дан ортиқ қабрлар аниқланган. Бу давр дафн маросимларидаги муҳим ўзгаришлардан бири мархумни этидан тозалаб дафн этиш ҳолатларининг пайдо бўлишидир. Дафн анжомларининг бирданига камайиши, бронзадан ясалган митти буюмларнинг кўпайиши³⁸ Мўлали босқичида ҳам янада кенг кузатилади. Мўлали даврида дашт чорвадор қабилаларининг минтақага кириб келиши жадаллашди. Натижада, қабилалараро тўқнашувлар кўпайиб, кенотаф мозорларнинг сони ҳам ортади. Қабрларда митти ҳарбий қурол-аслаҳалар кўпайиб, митти остадонлар учрай бошлайди³⁹.

Сополли маданияти дафн маросимларининг ривожланишида Бўстон босқичи муҳим ўрин тутди. Бу даврга оид 250 дан ортиқ қабр очилган бўлиб, дафн маросимларида оловнинг ўрни муҳим бўлганлиги Бўстон VI

³⁵ Асқаров А. Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи. –Т., 2007. – Б-117.

³⁶ Абдуллаев Б. Культура древнеземледельческих племен эпохи поздней бронзы Северной Бактрии. Автореф. дис. ... канд. ист. наук. – Новосибирск, 1980. – С. 7; Асқаров А, Абдуллаев Б. Джаркутан. –Т., 1983. – С. 12.

³⁷ Абдуллаев Б. Культура древнеземледельческих племен эпохи поздней бронзы Северной Бактрии. Автореф. дис. ... канд. ист. наук. – Новосибирск, 1980. – С. 8.

³⁸ Асқаров А, Абдуллаев Б. Джаркутан. – Т., 1983. – С. 14.

³⁹ Ионесов В.И. Становление и развитие раннеклассовых отношений в оседлоземледельческом обществе Северной Бактрии. Автореф. дис. ... канд. ист. наук. – Самарканд, 1990. – С. 16.

қабристонни орқали узил-кесил исботланган⁴⁰. Қабрларда митти оstadонлар пайдо бўла бошлайди. Н.Аванесова томонидан қабристоннинг ўзидан бир нечта кремация кўраси топилган. Уларнинг яқинида эса куйдириб дафн этилган жасадлар топилган. Жасадларнинг бошини жанубий-ғарбга, аксарият ҳолларда ғарбга қаратиб ётқизиш оммавий тус олган. Чунки, ибтидоий аждодларимиз диний тасаввурида одамзод ўлими куёшнинг ботиши билан боғлаб келинган.

“Чорвадор жамоаларнинг дафн маросимлари” деб номланган тадқиқотнинг иккинчи бандида Бишкент маданиятига тегишли Илк Тулхор қабристонни ҳақида маълумотлар берилади. Бу ёдгорликда 75 та қабр очилган бўлиб, уларнинг учтасида жасадлар тош кутиларга солиб дафн этилган. Қабрлар орасида 9 та жасад куйдириб, сўнг дафн этилган. 9 та мазорда жуфт кўмилган скелетлар топилган. Иккита кремацияли қабрларда (№ 63,64) Евроосиё дашт минтақаларининг чорвадор Андроново қабилаларида учрайдиган рамзий белги – свастиканинг тошдан териб ишланган шакли учрайди. Илк Тулхор қабрларининг деярли барчасида кул ва кўмир парчалари мавжуд ва марҳумнинг бош қисми атрофига кул сеппиб чиқилган. Бу олов билан боғлиқ диний қарашларининг рамзий белгиси бўлса керак. Қия зинали қабрларнинг митти ўчоқлари кул ва куйган одам суякларига тўла.

Кангурттут қабристонинида 91 та қабр очиб ўрганилган. Уларнинг 3 таси одатдагидек (№ 53, 65, 74), қолганлари кенотаф қабрларни ташкил этади. Фақат, иккита (№ 23, 53) қабрда хайвон суяклари учрайди. Кангурттут қабрлари ашёвий далиллари ва тузилишига кўра, Сополлитепа, Жаркўтон, Бўстон, Шимолий Афғонистоннинг Дашли⁴¹, Мурғоб воҳасининг Гонур, Аучинтепа, Тохирбой 3, Тўғолоқ 1, Тўғолоқ 21⁴² ёдгорликларига яқиндир.

1961-1967 йилларда Вахш ва Қизилсу дарёлари атрофида Б.А.Литвинский сўнгги бронза даврига тегишли 5 та ёдгорликда (Вахш, Тигровая Балка, Ойқўл, Жаркўл ва Макони-мор қабристонлари) изланишлар олиб боради⁴³. Қабрларнинг асосий қисмини кенотаф мазорлар ташкил қилади. Уларда дафн маросимлари билан боғлиқ ашёвий далиллар деярли учрамайди. Баъзиларида биттадан сирти нақшланган идиш учратилиб, уларнинг даврий санаси мил.авв. XII-X асрлар билан белгиланган. Қабрлар тузилишига кўра, айвонли лаҳад шаклида бўлиб, уларнинг таг қисмига тош териб чиқилган⁴⁴. Уларнинг энг йириги “Тигровая Балка” қабристонини бўлиб, Т.Пьянкова ушбу қабристондаги 116 та мазорни очиб ўрганайди. Шулардан 82

⁴⁰ Аванесова Н., Таишулатова Н. Символика огня в погребальной практике Сапаллинской культуры // ИМКУ. – 1999. – № 30. – С. 27-36; Аванесова Н. К проблеме относительной хронологии и периодизации Сапаллинской культуры // Ўзбекистон археологияси. – 2010. – № 1. – С. 119-127.

⁴¹ Сарияниди В.И. Исследования памятников Даштлинского оазиса // Древняя Бактрия. – М., 1976. – С. 77; Ўша муаллиф. Древние земледельцы Афганистана. – М., 1977.

⁴² Массон В.М. Древнеземледельческая культура Маргианы. – М., –Л., 1959; Сарияниди В.И. В поисках страны Маргуш. – М., 1993.

⁴³ Литвинский Б.А. Таджикистан и Индия (примеры древних связей и контактов). Индия в древности. – М., 1964.

⁴⁴ Ионесов В. Становление и развитие раннеклассовых отношений в оседлоземледельческом обществе Северной Бактрии. Автореф. дис. ... канд. ист. наук. – Самарканд, 1990. – С. 35.

тасида жасадлар бўлган, қолганлари (29,2%) кенотаф қабрларни ташкил этган.

